

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ХАЛМАТОВ МИСЛИДДИН МУХАММАТОВИЧ**

**АТМОСФЕРАДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ МАНЗАРАЛИ  
ДАРАХТЛАРГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ  
(Андижон шаҳри мисолида)**

03.00.10. – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021йил

**Биология фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract doctor of Philosophy (PhD)**

**Халматов Мислиддин Мухамматович**

Атмосферадаги зарарли моддаларнинг манзарали дарахтларга таъсирини ўрганиш (Андижон шаҳри мисолида)..... 3

**Халматов Мислиддин Мухамматович**

Исследование влияния атмосферных вредных веществ на декоративные деревья (на примере города Андижана)..... 21

**Xalmatov Misliddin Muxammadovich**

Study of the influence of atmospheric harmful substances on decorative trees (on the example of the city of Andijan)..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 40

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ХАЛМАТОВ МИСЛИДДИН МУХАММАТОВИЧ**

**АТМОСФЕРАДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ МАНЗАРАЛИ  
ДАРАХТЛАРГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ  
(Андижон шаҳри мисолида)**

03.00.10. – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/B12 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Андижон Машинасозлик институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.aknuk.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.Ziynet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исмаилходжаев Боходирходжа Шарипходжаевич</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Глеумуратова Бибигуль Сарыбаевна</b> физика-математика фанлари доктори <b>Отенова Фариди Толегеновна</b> биология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Урганч давлат университети</b>

Диссертация химояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.02/30.04.2021.В.79.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил “23 07 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: [aknuk@mail.uz](mailto:aknuk@mail.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 13 рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил “13“ 07 да тарқатилди.  
(2021 йил 13 07 даги 15 рақамли баённомаси)



**Аимбетов Нагмет Каллиевич**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, Академик

**Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф. PhD

**Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д.доц.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда атроф-муҳитни антропоген ва табиий аэрозоллар билан ифлосланишидан ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, аэрозолли ифлосланиш биоценозга ва ўсимликларга катта зарар етказди. Ўсимлик дунёси бошқа организмларга ва биологик жараёнларга энергия берадиган ва озиклантирадиган биосферанинг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ўсимликлар ҳолати табиий тизимларнинг фаолияти ва барқарорлигига таъсир қилади. Манзарали дарахтлар атроф-муҳит ҳолати ва экотоксикантларнинг салбий таъсиридан ифлосланган ҳудудларни қайта тиклаш индикатори бўлиб ҳисобланади. Ифлослантирувчи моддалар таъсирида биомассанинг йўқолиши содир бўлади, қайсики, ифлосланиш манбаи яқинида 50-60 % гача етиши мумкин. Шу муносабат билан экотизимдаги техноген стрессни пасайтириш учун манзарали дарахт ўсимликларни фойдаланиш имкониятларини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади ва бу ерда уларнинг барглари юзаси ноёб биоиндикатор сифатида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида ҳавонинг ифлосланиш даражасини аниқлаш, атроф муҳитга зарарли газлар тарқалишининг олдини олиш ва ҳудудни ободонлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада дарахт ўсимликларини экиш ҳудудларини аэрозол ифлосланишидан минимал экологик юк мезонига мувофиқ тўғри танлаш атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилиш масаласини ҳал этиш самарадорлигини ошириш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун чидамли манзарали дарахт турларини танлаш ва тавсия этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, инсон атроф-муҳитининг экологик жиҳатдан мақбул ҳолатини сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқариш саноати юқори даражада ривожланган ва интенсив автотранспорт ҳаракати мавжуд бўлган минтақаларда ҳавонинг ифлосланиш сабабларини аниқлашга катта эътибор берилиб, ҳавонинг ифлосланишини камайтириш ва манзарали дарахтларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича муҳим илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида "... ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш"<sup>1</sup> муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, плютантларнинг гипераккумуляция қилиш механизмларини ўрганиш, янги биологик усулларни излаш ва атроф-муҳит ҳолатини биоиндиксация қилиш мақсадида ўсимликлар жамоасидаги ўзгаришларини баҳолаш ва

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони

ифлосланган хуудларни тозалаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятни касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги ПК-3956-сон "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан – технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг V- "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши асосан автотранспортлардан чиқариладиган захарли газлар углерод, азот, олтингугурт оксидлари ва чанг билан ҳамда оғир металллар билан ифлосланиши, шунингдек, ўсимлик қоплами, хусусан, манзарали дарахтларнинг хусусиятларига таъсири, чиқинди захарли моддалар таркибидаги зарарли кимёвий элементларни аниқлаш ва уларни камайтириш борасида йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Birmingham (Британия), Fukui Prefectural University (Япония), Central South University (Хитой), University of Maryland (АҚШ), Yonsei University seoul (Korea) ларда<sup>1</sup> амалга оширилмоқда.

МДХ мамлакатларида саноат корхоналаридаги ва автотранспортлардан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга чиқарилиши ва тирик организмларга таъсирини камайтиришда манзарали дарахтларнинг аҳамиятини ўрганишда кенг қўламдаги тадқиқотлар амалга оширилган (Полинская ва бошқ., 1979; Циганёк, 1988; Пакалов, 1994; Сильвейра, 2005; Шилин, 2011; Рошупкин, 2011 ва бошқ.). Мутахассисларнинг атмосфера ҳавосига шаҳарда транспортларнинг зичлиги, русуми, ёнилғи турлари билан боғлиқ ҳолдаги зарарли моддалар билан ифлосланишлар, газ тутунлар тарқалиши бўйича изланишлар орқали, бир қанча манзарали дарахт турларини синовдан ўтказиб, минтақавий ҳамда глобал тадқиқотлар даражасида ўрганишга муҳим ҳисса қўшдилар (A Alfani, 2000; Shrawan Singh, 2007; Qiushuang Li, 2011; Aleksandr Afanasyev, 2017; ва бошқ.)<sup>2</sup>.

Газсимон ифлослантирувчи моддаларнинг ўсимликларга таъсири бўйича Ўзгидромет тасарруфидаги ГМИТИ да Мусин Р.И., Алиев Р.Р., Толкачева Г.А., Азизова Р.Г. ва бошқа бир қатор олимлар томонидан кўп тадқиқотлар

---

<sup>2/1</sup><http://.treatment technologies in wastewater treatment plants//University/pub.php>

олиб борилган. Бунда тадқиқот объекти сифатида Олмалиқ ТМК ва Олмалиқ кимё заводи таъсири худудидаги ўсимликлар бўлган. Ушбу корхоналарнинг атмосфера чиқиндиларининг асосий фитотоксик таркибий қисмлари олтингугурт диоксида, фторли водород, аммиак бўлиб, улар ўсимликларнинг фотосинтетик аппаратларининг меъёрида фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилади.

Республикаимиз олимлари томонидан атмосфера ҳавосининг мевали ва манзарали дарахтларга таъсирини ўрганиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди (Норбоев Н.Н., Закиров Д. Ёдгорова Д.Ш., Исмаилходжаев Б.Ш., И.Саматов И.М., Раҳимова Т.У., Саматов И.М. ва бошқалар).

Атроф муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ўсимлик қопламига таъсирини ўрганишда экология соҳасидаги тадқиқотларнинг кўп йиллик тажрибасига қарамай, ушбу мавзуга қизиқиш ўз долбзарлигини йўқотмади. Шу муносабат билан атмосфера ҳавосининг ифлосланишининг манзарали дарахтларга таъсирини ўрганиш ва манзарали дарахтларнинг баргларидаги пигментлар ҳолати қонуниятларининг ўзгарувчанлигини ўрганиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институтининг илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №105/5-сон "Манзарали дарахтларга атмосферадаги зарарли моддаларнинг таъсирини ўрганиш" (2017-2019) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** атмосферадаги зарарли моддаларнинг Андижон шаҳрининг марказий кўчаларидаги манзарали дарахтларга таъсирини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Андижон шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш интенсивлиги кўрсаткичлари билан атмосферага чиқадиган зарарли моддаларнинг сифати ва миқдори ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш;

атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқиндиларининг йил фаслига қараб тарқалиш хусусиятларини ўрганиш;

атмосферадаги зарарли моддалар ва уларнинг дарахт барглари таркибидаги миқдорининг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш;

белгиланган худудларда ўсаётган ва янги экилган манзарали дарахтларни фенологик кузатувларини ўтказиш, атмосферани ифлослантирувчи моддаларининг дарахт баргларидаги пигментлар миқдорига таъсирини таҳлил қилиш;

атмосферадаги оғир металлларнинг тарқалиши ва манзарали дарахтларнинг барг биомассасида ва тупроқда тўпланиш хусусиятларини аниқлаш, шаҳар кўчалари ва корхоналардаги худудларига экиш учун тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятининг Андижон шаҳридаги марказий кўчаларидаги мавжуд эман (дуб) (*Quercus*), сохта

каштан (*Quercus castaneifolia*), виргин арчаси (*Juniperus virginiana*), павловния (*Paulownia Shan Tong*) дарахт ўткизликлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни дарахт ўсимликлари тўқималаридаги оғир металллар ва бошқа зарарли моддаларнинг таркиби, шунингдек, атроф-муҳитни ифлослантирадиган экологик омиллар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацион тадқиқотни бажаришда экологик (ҳаво атмосферасини мониторинг қилиш), физик-кимёвий, GIS технологияси ва статистик (Excel ва STATISTICA) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

ифлослантирувчи комплекснинг ўсимликларга таъсирининг концентрацияси ва давомийлиги доимий равишда ўзгариб туриши ва шамол йўналишига, рельефга ва чиқинди манбаларининг жойлашишига ва миқдорига боғлиқ эканлиги аниқланган;

манзарали дарахтларнинг барг биомассасида ифлослантирувчи моддалар тўпланишининг мавсумийлик омилига, шу жумладан Андижон ҳудудининг иқлим шароитига боғлиқлиги аниқланган;

автомобиллар ва саноат корхоналари томонидан автомагистралларда чиқариладиган зарарли моддаларнинг манзарали дарахтларнинг фенологик хусусиятларига таъсири, барглари таркибидаги пигментлар ва оғир металлларнинг миқдорий динамикаси аниқланган;

минтақалар учун манзарали дарахт турларини танлаш ва зарарли моддалар билан ифлосланиш даражасига қараб экологик ҳудудларни аниқлаш бўйича илмий асослар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг марказий кўчалардаги атмосфера ҳавосининг зарарли газлар ва оғир металллар билан ифлосланиш даражалари мавсумга, шамол тезлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши асосида салбий экологик ҳолат бўйича тоифаларга бўлиш дастури ишлаб чиқилган;

шаҳар кўчаларида ўсувчи манзарали дарахтларнинг ўсиши ва ривожланишини, кўплаб экилган манзарали дарахтларнинг морфологик хусусиятларини ва пигментлар миқдорини аниқлаш ва ичидан энг чидамли турларини Андижон шаҳар кўчаларида кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш учун экологик қаторлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган замонавий классик методлар ва тан олинган стандарт тадқиқот услубларининг қўлланилиши ва олинган натижаларнинг тан олинган муаллифларнинг аналогик тадқиқотлари натижалари мувофиқлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотлар асосида Андижон вилояти Андижон шаҳрининг автомобиль серкатнов кўчаларидаги манзарали дарахтларнинг зарарли газлар ва оғир металллар таъсирида ўсиши, ривожланишида ўзига хос хусусиятлари аниқланди ва GIS технологиялари



асосида ушбу моддаларнинг тарқалиш хусусиятлари йил фаслига қараб баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижаларни Андижон шаҳридаги автомагистраллар ва саноат корхоналари бўлган ҳудудларда ифлосланиш даражасининг тоифаларини баҳоланишига қараб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун энг чидамли турларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зарарли моддаларнинг манзарали дарахтларга таъсири (Андижон шаҳри мисолида) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Атмосфера ҳавосини ифлосланиши аспирация усули Андижон вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида автотранспортлар ва саноат корхоналардан чиқаётган заҳарли газлар углерод, азот, олтингугурт оксидлари ва чанг ҳамда оғир металллар билан ифлосланиши, шунингдек, ўсимлик қоплами, хусусан, манзарали дарахтларнинг хусусиятларига таъсири, чиқинди заҳарли моддалар таркибидаги зарарли кимёвий элементларни камайтиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 12 апрелдаги 03-02/3-1965-сон маълумотномаси). Натижада, атмосферадаги зарарли моддаларни аниқлаш ва марказий кўчаларда экиш учун манзарали дарахтларнинг чидамли турини танлаб олиш имконини берган;

Эман (дуб) (*Quercus*), сохта каштан (*Quercus castaneifolia*), виргин арчаси (*juniperus virginiano*), павловния (*Paulownia Shan Tong, Tomentosa*) дарахти каби ҳавони ифлосланттирувчи зарарли моддаларга чидамли манзарали дарахтлар танланиб Андижон вилояти Ўрмон хўжалиги қўмитасига босқичма-босқич экиш жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 22 февралдаги № 05/21-994 сон маълумотномаси). Натижада, бу атмосфера ҳавосини меъёрлаштириш амалиёти учун манзарали дарахт турларини шаҳар экотизимининг зарарли моддалар билан ифлосланиш фитоиндикатори сифатида фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 7 республика ва 1 халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами, 19 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий журналлар нашрларида 7 та илмий мақола, жумладан, 6 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, 117саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусини долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар амалиётга жорий этиш асослари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларни атроф -муҳитга таъсири”** деб номланган биринчи бобда атмосфера ҳавоси шаҳардаги автомагистрал кўчалардаги манзарали дарахтлар орқали тозаланганда, бу услубнинг бошқа услубларга нисбатан афзаллиги ҳақида чет эл ва республикамиз олимларининг илмий тадқиқот ишларида чоп қилинган (М.Д.Томас 1963; Н.А.Menser 1997; Т.Т.Рахимова 1968;Ф.Н. Русанов 1971; В.С.Николаевский 1993; П.Б.Хэммонд 1978; Г.М. Ильикун; 1976; Н.Н.Норбоев 1978; К.У Уорк 1974; Ю.З.Кулагин 1994 Р.И. Мусин 2001; М.П.Сильвейра 2003; А.Б.Шилин 2011; А.Қаюмов 1990; П.К.Закиров 1988; 1993; П.П.Коваленко 2016; О.А.Козлова 2019; Krishna Kumar 2018; Andrew A. Millward 2009; Chan,T 2011 Daniel A Vallero 2019; Hyun Mi Cho . 2019; Melike Nese Tezel 2017; Aleksandr Afanasyev Dmitrii 2018; Yong Hong Liu 2017; А.А. Аброськин 2014; К.G.Amit 2011; Э.В. Рошупкин ва б.лар сингари) олимларнинг ишлари таҳлил қилинган.

Адабиётларда кўрсатилишича атмосфера ҳавосининг ифлосланиши асосан саноат корхоналари ва автотранспортлардан чиқадиган заҳарли газлар натижасида ҳосил бўлиши айтиб ўтилган.

Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, машиналар серкатнов автомагистрал йўлларни экологик ҳолатини яхшилашда йўл четларига зарарли моддаларни тез ютувчи ва атмосферани жадаллик билан тозаловчи манзарали дарахтларни экиш ва кўпайтириш борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгида марказий шаҳар кўчаларининг экологик ҳолатини яхшилаш ва атмосферага чиқётган зарарли моддаларни атроф-муҳитга таъсирини камайтириш бўйича яшил ўсимликлардан фильтр сифатида фойдаланиш, ҳавони биологик тозалашдаги қобилятини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва шаҳар шароитидаги зарарли чиқиндиларга чидамли бўлган ассортимент манзарали дарахтларни илмий асослаб чиқиб амалиётга жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса баён қилинган.

Хорижий ва республикамизда олиб борилган бир қатор илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилар эканмиз, М.В. Булгаков тадқиқотларида ифлосланиш ўсимликнинг ноқулай завод шароитларида яшаш қобиляти билан турдош бўлиши таъкидланади. Шунингдек, уруғнинг униб чиқишининг камайиши, ўсимликнинг ўсиш энергияси ва ҳосилдорлиги, биологик тестлар усули ва айрим физиологик – биокимёвий кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш

мумкинлиги келтирилган. В.П.Бессонова илмий ишларида бир қатор дарахтларда чангларнинг ҳолати ва шаклланишига оғир металлларнинг таъсири тадқиқот қилинган. Н.В.Бабахидзе маълумотларига кўра, битта катта қайрағоч (патсилон баргли) вегетация даврида ҳаводан 28 кг чангни, баргли қайрағоч 23 кг, сохта каштан 16 кг, оддий шумтол 27 кг, терак 18 кг чангни ҳаводан чиқариб ташлайди. Тоғ теракка нисбатан қайин 2,5 баробар, игна барглилар 20 баробар кўп чангни тутиб қоладилар. Вегетация даврида очик майдонлардаги чанг концентрацияси дарахтлар остига нисбатан 42,2%га кўпдир. Л.Б.Лунунинг таъкидлашича, чанг миқдори яшил территориянинг ўлчами ва экинларнинг зичлигига боғлиқ эканлиги тадқиқот ишларида кўрсатиб ўтган. Кислороднинг энг юқори маҳсулдорлиги эман ва личинкада (6,7т/га), карағай ва қорақарағайда (4,8-5,9 т/га) қайд этилган. Ҳар йили 1 гектар ўрта ёшдаги (60 ёшли) карағай ўрмони 14,4 тонна карбонат ангидридни ютади ва 10,9 тонна кислород ажратади. Худди шу даврда 40 йиллик эман ўрмонининг 1 га майдони 18 тонна карбонат ангидридни ютади ва 13,9 тонна кислород чиқаради. 1 дона павловния дарахти 1 йил давомида ўртача 49,5кг CO<sub>2</sub> ўзлаштириб 17,97 кг O<sub>2</sub> ишлаб чиқаради. 1 га павловния ўртача ҳисобда (агар 800 дона бўлса) фотосинтез жараёнида 39,6 тонна CO<sub>2</sub> ўзлаштиради, 14,3 тонна O<sub>2</sub> ишлаб чиқаради (10028 м<sup>3</sup>).




**1-расм. Каштан (а) дуб (б), ва виргиния арчаси (в) дарахтларнинг зарарланган барг намуналари.**

Ифлослантирувчи моддалар таъсирида фотосинтез сусаяди, сув алмашинувининг бузилиши, кўплаб биокимёвий ҳаракатлар, транспирациянинг пасайиши, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг умумий сусайиши содир бўлади. Бу барглар рангининг ўзгаришига, некрозга, баргларнинг тўкилишига, ўсиш шаклининг ўзгаришига ва бошқаларга олиб келади [1– расмда ҳавола келтирилган].

Атмосфера ифлосланишининг ўсимликларга таъсири ўсиш ва ривожланиш фазаларининг ўтиш тезлигининг ўзгариши, сифати, ассимиляция органларининг ксерофитизацияси, йиллик баргларнинг ва ўсимликларнинг игналари ўлчамларининг, нам ва қуруқ вазнининг озайиши, ассимиляция танасининг некротизацияси сифатида намоён бўлади. Фотосинтезни бостириш, баргларнинг сув йўқотиш тезлигининг ошиши, пигментларнинг емирилиши, баъзи оксидловчи ферментларнинг фаоллашиши, секинлашган люминесценцияни бостириш, дарахтлар ўсишининг пасайиши ва турлари сонининг камайишида намоён бўлади. Санаб ўтилган самаралар ва ҳатоларнинг тезлиги ва чуқурлиги атмосфера

аралашмаларининг заҳарлилиги ва концентрациясига тўғри боғлиқликда бўлади. Ушбу бузарликларнинг аксарияти, шунингдек, ҳавонинг ифлосланиш даражасини, саноат газлари таъсирининг давомийлиги ва дарахтзорлар ҳолатини тавсифлаши мумкин.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти шароити ва атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларни манзарали дарахтларга таъсирини аниқлаш усуллари”** деб номланувчи иккинчи бобида диссертация тадқиқотининг объекти сифатида қабул қилинган Андижон шаҳридаги А.Темур, Бобур, Навоий, Чўлпон номли шоҳ кўчаларида ва нозорат варианты сифатидаги Алишер Навоий боғида ўсувчи эман (дуб), (лот.*Quercus*), сохта каштан, (*Quercus castaneifolia*), виргин арчаси (*juniperus virginiano*), ва янги ўстирилаётган павловния (*Paulownia ShanTong, P.Tomentosa*) дарахтлари хизмат қилади. Тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уни амалга оширишда қўлланилган материаллар ва усуллар батафсил келтирилган бўлиб тадқиқот объекти, шарт-шароитлари, тадқиқот методлари атмосфера ҳавосидаги зарарли моддалар миқдори манзарали дарахтлар баргидаги пигментлар миқдорини ҳамда тупроқ ва барглардаги оғир металллар улушини аниқлаш усуллари баён этилган.




2-расм. Тадқиқот объекти бўлган Андижон шаҳар харитаси

Диссертациянинг **“Атмосферага ифлослантирувчи моддаларни тарқалишини таҳлил қилиш”** деб номланган учинчи бобида атмосферадаги моддаларнинг ташилишида ҳудуднинг шамол, ҳарорат режими энг асосий кўрсаткич ҳисобланади (Коваленко, П. П.1993). Гидромет маълумотларида Андижонда ҳарорат  $-22$  дан  $+40^{\circ}$  С гача, шамол тезлиги 0 дан 20 м/сек гача бўлади. Тадқиқот ўтказилган йилларда ҳарорат ойлик ўртачада  $0,3$  дан  $29,5^{\circ}$  С гача, шамол тезлиги 1 дан 2,4 м/сек. гача кузатилган.

Ушбу ҳудудда шамол тезлиги кучсиз бўлиши билан бирга йўналиши ҳам тарқоқ. Тадқиқот ўтказилган йилларда асосан шарқий 12,1-15,3%, жанубий 15,3-18,2%, жанубий-ғарбий 15,9-18,3% ва ғарбий 16,8-17,6%

йўналишлар салмоқли. Шамол йўналишининг йил ичида тақсимоти ҳам асосан шу йўналишлар устунлигида кечади. Хусусан йилнинг совуқ даврида ноябрдан мартгача жанубий йўналиш устун бўлиб 15,7 дан 29,4% ҳолатни ташкил қилади. Йилнинг иссиқ даврида асосан ғарбий ва жануби - ғарбий йўналишлар устунлик қилган. Андижон шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши геоахборот натижалари шуни кўрсатадики, тадқиқот маълумотларига кўра SO<sub>2</sub> нинг атмосферадаги концентрацияси асосан, ёз ва куз ойларида ошади. Бу тенденция чанг моддалар концентрациясига дахлдор эмас. Олинган натижаларга кўра SO<sub>2</sub> нинг нисбатан юқори концентрацияси баҳорда Чўлпон ва А.Навоий кўчалари бўйлаб ҳар икки томонга 0,22-0,25 мг/м<sup>3</sup> ли майдонни ҳосил қилади. Ёзга келиб бу ареал нисбатан жанубга силжиб майдонини кенгайтиради ва концентрация ошиб 0,38-0,40 мг/м<sup>3</sup> га етади. Куз ойларида ушбу ҳудудларда SO<sub>2</sub> миқдори бошқа ҳудудга нисбатан бироз пасаяди (3-расм).




**3-расм. Андижон шаҳрида SO<sub>2</sub> концентрациясининг атмосфера қуйи қатламида тарқалиши(2017-2018-2019 йй.)**

Тадқиқот ўтказилган 2019 йилнинг куз мавсумида ҳудуднинг 73% ида SO<sub>2</sub> концентрацияси 0.34-0.37 мг/м<sup>3</sup> ни ташкил қилган. Худди SO<sub>2</sub> сингари чанг моддаларнинг атмосферада тарқалиши ҳам беқарор ва мавсумийлик касб этади. Баҳор ва ёз ойларида чанг миқдорининг юқори концентрацияси А.Темур ва Чўлпон кўчалари бўйлаб ареал ҳосил қилган минтақада бўлиб, 0,30-0,45 мг/м<sup>3</sup> гача бўлади. Кузга келиб Бобур кўчаси бўйлаб чанг концентрацияси 0,40 мг/м<sup>3</sup> га етади. Тадқиқотларда Андижон шаҳрида энг

тоза худуд А.Навоий боғи атрофлари эканлиги аниқланди. Ушбу худудда атмосферадаги чанг миқдори  $0,05 \text{ мг/м}^3$  ва  $\text{SO}_2$   $0,25 \text{ мг/м}^3$  ташкил этди.

Регрессияли коррелиатив натижаларига кўра атмосферадаги зарарли моддаларнинг концентрацияси билан дарахтлар баргида кумуляцияси миқдори ўртасида кучли коррелиатив боғланиш мавжудлиги аниқланди. Бундай боғланиш, айниқса, арча дарахтида энг юқори даражада намоён бўлди.



#### А) Сульфат икки оксиди

**4-расм. Атмосферадаги зарарли моддалар ва уларнинг дарахт баргидаги миқдори ўртасидаги регрессион корреляцион натижалари (2017-2019 йиллар) (текста расм ҳавола?)**

Хусусан, сульфат икки оксиди ва танланган дарахтлар баргида ушбу модданинг кумуляцияси ўртасидаги боғланиш зичлиги қуйидагича арча дарахтида 0,88%, дуб дарахтида 0,78%, сохта каштанда 0,75% ва павловния дарахтида 0,93% га тенг бўлган [4-расмда ҳавола келтирилган].

Сульфат икки оксидининг трансформациясининг хусусияти атмосферада оксидланиши ва сульфатдан тортиб унинг бошқа бирикмаларигача дарахтларда кучли кумуляцияга учрашидадир. Зарарли моддаларнинг дарахт баргида кумуляцияси икки хилдаги зарарли жараённинг ривожланишига сабаб бўлади. Биринчидан, зарарли кимёвий таъсир қилади, хлорофилда кечадиган жараёнини бузади, ҳамда иккинчидан, барглarda тўпланиб термик куйдириш жараёнида иштирок этади.

**“Атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларнинг манзарали дарахтлар баргларидаги пигментларга таъсири ҳолатини таҳлили”** деб номланувчи тўртинчи бобида шаҳардаги автотранспортлар ҳаракати жадаллигининг даражаси кўрсатилган. Бугунги кунда йирик шаҳарларнинг ривожланиш даражаси саноат корхоналарини ҳамда автотранспорт воситаларининг ҳаракатлари ўсиб бораётган миқдори атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид жуда кўп муаммоларни ечишни тақозо этади. Жумладан, Андижон шаҳрининг саноат корхоналари зич жойлашган Бобур, Чўлпон, Амир Темур ва Навоий номли тўртта серкатнов шоҳ кўчалари танлаб олинди. Автомобиллар сонини аниқлаш ишлари ҳар бир кўчада ўртача бир соат давомида санаш йўли билан амалга оширилди.

Вилоятда автомобилларнинг умумий сони ва ёқилғи турлари бўйича Андижон вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларига кўра вилоятда жами 211397 автомобиль бўлиб, шундан бензин ёнилғиси билан ҳаракатланадиган автомобиллар сони 130806 тани ёки 61,8% ни, 5408 тани ёки 2,6% ни, газ ёнилғиси билан ҳаракатланадиган автомобиллар сони 75183 тани ёки 35,6% ни, дизель ёнилғиси билан ҳаракатланадиган автомобиллар сони ташкил этади. Тадқиқот объекти сифатида қабул қилиб олинган кўчаларнинг жами узунлиги бир тарафга 15,4 км ни, иккала тарафга эса 30,8 км. ни ташкил қилади.



1980-йил.

2020-йил.

**5-расм. Андижоннинг марказий кўчасидаги дарахтзорларнинг динамикаси**

Натижалар шуни кўрсатадики, РЭМ кўрсаткичлари ортиқча бўлиши ҳавонинг ифлосланишига асосий сабаб бўлади: углерод оксиди 11,586, углеводородлар, 1,028, азот оксиди, 0,804, олтингугурт оксиди 0,118, кўрғошин бирикмаси 0,095 минг тоннани ташкил қилди. Андижон вилояти бўйича автотранспорт воситаларининг карбюраторли, дизелли, ва газ ёнилғисида ишлайдиган автомобилларни 2011., 2012., 2013., 2014., 2015., 2016., 2017., 2018., 2019 йиллар мобайнида, дизелли автомобиллар 2011 йилда 15%, фоиз нисбати 2020 йилга келиб 2,5% га камайган [5-расмда ҳавола келтирилган].

Ҳавонинг ажралмас ифлосланишини биоиндикация қилиш учун ва пасив мониторинг давомида дарахт ўсимликларидан фойдаланиш энг истиқболлидир, чунки улар доимо ҳаво оқимлари таъсирида ва юқори даражада газ алмашинувида бўлади. Шу муносабат билан, шаҳар экотизимини янада яхшилаш мақсадида автомобил воситаларининг захарли чиқиндиларига ва ўрганилаётган дарахтлар баргларидаги пигментларнинг

таъсирига чидамли декоратив дарахтларни танлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Хлорофилл хлоропластнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, хлорофилл таркибидаги хлорофилл “а” ва “б” пигментлари фотосинтез жараёнида муҳим ҳисобланиб, у ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этади ҳамда турли ташқи муҳит омилларга бўлган ўсимлик реакцияларини намоён этади. Шу сабабли, Андижон шаҳридаги йирик кўчаларда ҳаво ифлосланиш таъсирини аниқлаш учун танлаб олинган ўсимликларнинг баргларидаги хлорофилл “а”, хлорофилл “б” ва каротиноид миқдорларини ўрганишликни талаб этади.

2019 йилда хлорофилл “а” нинг баҳор ва ёз ойларида арча дарахтлари орасида энг паст кўрсаткич эса Бобур шоҳ кўчасидаги ўсимликларда (мос равишда 0,703 мг/г ва 0,660 мг/г) қайд қилинган бўлса, энг юқори кўрсаткичи баҳор ойида Амир Темур кўчадаги ўсимликларда (0,867 мг/г) ва ёз ойида (Навоий боғидаги) дарахтларида (0,937 мг/г) қайд қилинди.

Ёз ойларида пигментлар миқдори камайишини ҳароратнинг кўтарилиши, масалан 25-28<sup>0</sup>С-35-38<sup>0</sup>С ошиши ҳамда атмосферадаги зарарли моддаларни вақт ўтиши билан тўпланиб бориб салбий кўрсатиш натижаси деб қараш мумкин.

### 1-жадвал

#### Ўрганилаётган кўчаларда ўсимликларининг хлорофилл “а”, хлорофилл “б”, умумий хлорофилл ва каротиноид миқдорларининг кўрсаткичлари (мг / м<sup>3</sup>), 2019 й

Манзарали дарахтлар номи/ кўча ва боғ		Ўсимликларда- ги хлорофилл “а” миқдори	Ўсимликларда- ги хлорофилл “б” миқдори	Умумий хлорофилл миқдори мг/г а/б	Ўсимликлардаг и “каротиноид” миқдори мг/г
		$\chi \pm m$	$\chi \pm m$		$\chi \pm m$
Арча(Амир Темур кўча)	баҳор	0,867±0,095	0,400±0,029	1,270±0,127	0,290±0,023
	ёз	0,767±0,038	0,333±0,015	1,097±0,049	0,190±0,006
Арча(Навоий шоҳкўча)	баҳор	0,720±0,029	0,423±0,026	1,147±0,055	0,270±0,012
	ёз	0,830±0,006	0,360±0,006	1,190±0,002	0,213±0,003
Арча(Бобур шоҳкўча)	баҳор	0,703±0,020	0,370±0,012	1,070±0,035	0,257±0,009
	ёз	0,660±0,029	0,330±0,006	0,990±0,035	0,187±0,015
Арча(Чўлпон кўча)	баҳор	0,773±0,038	0,427±0,032	1,197±0,072	0,280±0,006
	ёз	0,863±0,049	0,360±0,023	1,223±0,072	0,230±0,012
Арча(Навоий боғи)	баҳор	0,789±0,009	0,431±0,021	1,217 ±0,044	0,285±0,007
	ёз	0,937±0,015	0,400±0,016	1,333±0,015	0,220±0,004
Павловния (Амир Темур кўча)	баҳор	1,157±0,066	0,610±0,029	2,187±0,095	0,557±0,009
	ёз	2,160±0,046	0,737±0,020	2,893±0,066	0,550±0,003
Павловния (Навоий шоҳкўча)	баҳор	1,120±0,035	0,550±0,012	1,667±0,043	0,527±0,009
	ёз	2,180 ±0,081	0,680±0,017	2,863±0,101	0,790±0,002
Павловния (Бобур шоҳкўча)	баҳор	1,023±0,118	0,463±0,003	1,570±0,023	0,450±0,016
	ёз	1,947±0,055	0,610±0,017	2,557±0,072	0,547±0,020
Павловния (Чўлпон кўча)	баҳор	1,520±0,115	0,600±0,058	2,120±0,173	0,500±0,006
	ёз	2,760 ±0,023	0,897±0,015	3,657±0,038	0,793±0,003
Павловния (Навоий боғи)	Баҳор	1,963±0,020	0,763±0,003	2,730±0,023	0,550±0,016
	ёз	2,810 ±0,006	0,970±0,029	3,777±0,032	0,820±0,098



1-жадвалдан кўриниб турибдики, хлорофилл “а”нинг хлорофилл “б”га нисбати 1,9-2,2 гача, умумий хлорофилл миқдорини каротиноидга бўлган нисбати эса хаттоки ёзда ҳам ошиб кетганлигини кўриш мумкин.

Павловния дарахти турида эса бошқа дарахтга нисбатан нормада эканлигини кузатиш мумкин. Баҳор ва ёз ойларида павловния дарахтларида хлорофилл “а” нинг энг паст кўрсаткичи Бобур шоҳ кўчасидаги ўсимликларда (мос равишда 1,023 мг/г ва 1,947 кайд этса, энг юқори кўрсаткичлар эса Чўлпон Навоий боғидаги ўсимликларда (мос равишда  $1,963 \pm 0,020$  мг/г ва 2,810 ташкил этди.

Ўрганишлар натижасида Навоий боғи, Чўлпон ва Навоий шоҳ-кўчаларига нисбатан Бобур ва Амир Темуршоҳ кўчаларида ҳаводаги чанг заррачалари, SO<sub>2</sub> ва NO<sub>2</sub> газлари ҳамда Pb ва CH<sub>2</sub>O модда миқдорлари РЭМ дан кўплиги эвазига арча, сохта каштан ва павловния дарахтлари баргларидаги хлорофилл “а”, хлорофилл “б” ва каротиноид миқдорлари кам бўлиши аниқланди.

2017–2018–2019 йиллар давомида баҳор, ёз ва куз ойларида зарарли омиллар миқдорини аниқлаш мақсадида атмосфера ҳавосидан синамалар олиниб, кимёвий таҳлиллар ўтказилди. Натижалар шуни кўрсатадики, РЭМ дан чанг 0,4 фоизни, олтингугурт 0,1 фоизни, азот 2,2–2,4 фоизни, фармальдегид 2,2–08 фоизни, кўрғошин эса 0,2–03 фоизни ташкил этган ҳолда атмосферада чанг ва моддаларнинг миқдорини кўриш мумкин.


Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳаводаги чанг заррачалари, SO<sub>2</sub> ва NO<sub>2</sub> газлари ҳамда Pb ва CH<sub>2</sub>O моддалари манзарали дарахтларнинг баргларидаги хлорофилл миқдорларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Тадқиқот олиб борилган кўчаларда қатновчи автомобилларнинг атмосфера ҳавосига чиқарган ифлослантирувчи моддалар тури ва миқдори, кўча бўйларидаги дарахтлар баргларида ифлослантирувчи моддаларнинг ушлаб қолиниши ва уларнинг миқдорлари шулар жумласига киради. Тадқиқот объектларидаги манзарали дарахтлар барглари таркибида қуйидаги оғир металллар ва микроэлементларнинг заррачалари аниқланди. Дарахтлар баргидаги моддалар тўпланиш кўрсаткичи, 2017-2018-2019 йилларда таҳлил қилганимизда РЭМ дан ортиб кетганлигини (5-расмда кўриш мумкин).

Атмосфера ва тупроқнинг оғир металллар билан зарарланиши оқибатида уларнинг ўсимликларда тўпланиши кузатилди ва ўсимлик барглари, поялари ва илдизлари ушбу моддаларни ўзида жамлаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Шу сабабли, йирик саноат корхоналари ва автомобил йўллари атрофидаги дарахтлар оғир металлларни ва микроэлементларни яхши ўзлаштирувчи дарахтларга арча, дуб, каштан ва павловния кириши аниқланди.

Манзарали дарахтлар ҳаво таркибини зарарланишини билдирувчи индикаторлар вазифасини бажаради. Оғир металл ва минерал элементларни таҳлил қилганимизда 19 та элемент сақланиши маълум бўлди, шу жумладан, 3 та-си оғир металл бўлиб (кул хажмида Cu, Zn, Pb ), 14 таси эса минерал элементлар Si, Ca, Na, K, Mg, P, Ba, Sr, B, Mn, V, Ti, Cr, Ni. мавжудлиги аниқланди. Биз асосан атроф муҳитни кучли ифлослайдиган 3 та оғир металлларнинг дарахт баргларида мавсумга боғлиқ ўзгаришини ўргандик.

Йиллар ўтиши билан оғир металллар йиғилиши ортиб бориши кузатилди. Масалан, 2017 йилга нисбатан дарахтдаги оғир металллар 2019 йилда Чўлпон кўчасида нисбатан 34% ортган. Изланишлар натижасида ўсимликларнинг бир нечта турларини хавони ифлослантирувчи моддалардан тозалаш учун потенциал восита нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Ўсимлик-тупроқларни устида олиб борган тадқиқот натижалари асосида тупроқдаги оғир металллар (рух ва кўрғошин) моддалари кўчалар ва йилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши ҳам аниқланди.



**6-расм. Дарахтлар баргидаги кўрғошин моддасининг тўпланиш кўрсаткичи, 2017-2018-2019 йй.**

Ушбу металллар билан ифлосланиш Чўлпон кўчасида максимал даражада қайд этилган бўлса, назорат вариантыда Навоий боғидаги кўрсаткичга нисбатан 32% эканлиги кўриниб турибди. Бобур кўчасида минимал миқдорда эканлиги аниқланди. Бунга сабаб кўчалардаги автомашиналар миқдори тўғри пропорционал эканлигидир [6-расмда ҳавола келтирилган].

Тадқиқотлар натижаларига кўра тупроқдаги оғир металллар энг юқори ифлосланиши 2018-2019 йилларга РЭМ дан ошиб кетиш ҳолатларини кўриш мумкин.

2017–2018 йилларда рух ва қўрғошин Навоий боғида энг паст кўрсаткич яъни 2017 йил  $42,586 \pm 10,865$  мкг/мл ва 2018 йил  $44,925 \pm 13,703$  мкг/мл, Бобур шоҳқўчасидаги тупроқларда (мос равишда  $70,863 \pm 18,764$  мкг/мл ва  $73,150 \pm 20,055$  мкг/мл) қайд қилинган бўлса, энг юқори кўрсаткичи 2018–йил Навоий шоҳқўчасидаги тупроқларда ( $102,4 \pm 28,576$  мкг/мл) ва 2019–йил Чўлпон шоҳқўчасидаги тупроқларда ( $112,225 \pm 29,385$  мкг/мл) қайд қилинди.

2018– 2019 йилларда мис ва кадмийнинг тупроқлар орасида энг паст кўрсаткичи Амир Темур кўчасидаги (мос равишда  $21,230 \pm 0,997$  мкг/мл ва  $23,655 \pm 1,028$  мкг/мл) бўлса, энг юқори кўрсаткичи эса Чўлпон шоҳқўчасида мос равишда ( $19,546 \pm 0,725$  мкг/мл ва  $21,298 \pm 0,898$  мкг/мл) бўлди.

Мис моддасининг миқдорлари энг юқори кўрсаткичлари 2019–йил Навоий шоҳқўчасидаги тупроқ намуналарида  $32,198$  мкг/мл бўлса, 2019–йилда Чўлпон шоҳқўчасидаги ҳолат  $21,233$  мкг/мл бўлди. Миснинг тупроқдаги энг паст кўрсаткичи Навоий боғидан олинган тупроқ намуналарида аниқланди ( $32,198$  мкг/мл). Тадқиқотнинг учинчи йили (2019) олиб борилган таҳлил натижаларимизда мис моддаси Навоий шоҳқўчасида  $32,198$  мкг/мл, Чўлпон шоҳқўчасида  $21,233$  мкг/мл, Бобур шоҳқўчасида  $21,298$  мкг/мл, Амур Темур кўчаларида  $23,655$  мкг/мл. гача юқори бўлиши кузатилди.

Тупроқнинг ифлосланишини камайтириш мақсадида магистрал кўчаларга, яъни маҳаллий иқлим шароитига мос келадиган манзарали дарахтлар тавсия этилди. Таҳлиллар асосида тупроқдаги оғир металллар миқдори манзарали дарахтларга салбий таъсир кўрсатиши қайд этилди.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган «**Атмосферадаги зарарли моддаларнинг манзарали дарахтларга таъсирини ўрганиш (Андижон шаҳри мисолида)**» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

## ХУЛОСАЛАР

1. Андижон шаҳрининг автомашиналар серкатнов бўлган тўртта кўча ҳамда шаҳар боғининг атмосфера ҳавосидаги ва тупроқ таркибидаги моддалар азот оксиди, олтингурут оксиди, формальдегид, мис, кадмий, рух, қўрғошин моддаларининг миқдори улушининг йиллар давомида ўзгариши хусусияти аниқланди. Юқоридаги моддалар Амир Темир, Чўлпон кўчаларида бошқа кўчаларга нисбатан кўп эканлиги,  $\text{NO}_2$ ,  $2,2$  мл/м<sup>3</sup>,  $\text{SO}_2$   $0,067$  мг/м<sup>3</sup>, Рb  $1,8$  мл/м<sup>3</sup>, формальдегиднинг  $0,062$  мг/м<sup>3</sup>, чанг  $0,27$  мг/м<sup>3</sup>, мос равишда ва бу кўрсаткичлар назорат варианты Навоий боғига нисбатан кўп эканлиги аниқланди.

2. Атмосферадаги моддаларнинг тарқалиши шу ҳудудга шамол тезлиги ва ҳарорат режими боғлиқ бўлиб, йилнинг мавсумига боғлиқ ҳолда ўзгариши, шамол тезлиги ўртача 1-24м/сек, ҳарорат 3<sup>0</sup>С дан 29,5<sup>0</sup>С бўлиши, шамол йўналиши иссиқ вақт (сентябрдан-октябр) ғарбий томон 16,8%-17,6% гача, совуқ даврда (ноябрдан-мартгача) жанубий йўналиши 15,7-29,4% устун бўлиши кузатилди.

3. Танланган кўчаларда ўсувчи манзарали дарахтлар бўйича олиб борилган фенологик кузатув ишлари шуни кўрсатдики, Бобур, А.Темур кўчалардаги дарахт баргларида, турли доғлар пайдо бўлгани ва каттиклигининг ва ёз ойларининг охиридан бошлаб тушиб кетаётганлигини ва аксинча, Навоий ва Чўлпоншоҳ кўчаларда ўсувчи дарахтлар баргида ҳолати кузатилди ва бу ўзгариш кўчалардаги зарарли моддалар миқдорига тўғри пропорционал эканлиги билан изоҳланади.

4. Шаҳар кўчаларида ўсувчи ва кейин экилган манзарали дарахт сортментларида дарахт баргларидаги пигментлар миқдори кўчалар бўйича турлича бўлганлиги ва мавсумга боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди. Чўлпон кўчасидаги павловния дарахти энг кўп-2,76 мг/г, Бобур шоҳкўчасидаги ўсувчи арча дарахти энг кам 0,66 мг/г миқдор пигмент миқдорини сақлаши исботланди. Бу кўрсатилаётган кўчалардаги зарарли моддалар миқдорига боғлиқ бўлиб, уларни ифлосланиш даражаларига қараб Бобур, А.Темур, Навоий, Чўлпон шоҳкўчалари таркибида жойлашган ва бу даражалар тарқалган. Пигментлар миқдори камайиб борганлигини масалан, павловния 1,02- 1,15-1,96-2,16 (мг/г) ва улар баҳорда ёз мавсумига, нисбатан нисбатан деярли ҳаммаси сортментлардан кўп сақлаши аниқланди.

5. Манзарали дарахт баргларидаги оғир металллар (мис, рух,) миқдори дуб дарахтида энг кўп (0,009 мг/кг, 0,002,мг/кг,) энг кам каштан дарахтида кузатилди. Бундай тадқиқот қилинган сортментлар ичида дуб дарахти ушбу оғир металлларга чидамли эканлиги аниқланди. Шу кўчалардан тупроқларни оғир металллар билан ифлосланиши барча ҳудудлар бўйича бир қанча кўчаларда чизик майдонли ва нуқтавий шаклда тўпланиши ва тарқалиши аниқланади. Саноат ҳудуди ва магистрал йўлларида тадиқикот олиб борилган манзарали дарахтлар ичида сохта каштан, япон сафораси, эман, оддий қарағай, арча, павловния дарахтларини экишни шаҳар ободонлаштириш бўлимига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**  

---

**АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ХАЛМАТОВ МИСЛИДДИН МУХАММАТОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ АТМОСФЕРНЫХ ВРЕДНЫХ  
ВЕЩЕСТВ НА ДЕКОРАТИВНЫЕ ДЕРЕВЬЯ (на примере  
города Андижана)**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**НУКУС – 2021**

Тема диссертации (PhD) зарегистрирована за номером B2017.3.PhD/B12 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) расположен на веб-сайте Ученого совета [www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz) и на Информационно-образовательном сайте «ZiyoNet» ([www.Ziynet.uz](http://www.Ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Исмаилходжаев Баходирходжа Шарипходжаевич  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна  
доктор физико-математических наук

Отенова Фарида Толегеновна  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ургенч государственный университет

Защита диссертации состоится « 23 » 07 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.04.2021.B.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: [aknuk@mail.uz](mailto:aknuk@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: « 13 » 07 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № « 15 » от « 13 » 07 2021).



Аимбетов Нагмет Калыевич  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, PhD б.ф.

Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.б.н., доц.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире большое внимание уделяется решению проблем охраны окружающей среды от загрязнения антропогенным и естественным аэрозолями. Особенно, аэрозольное загрязнение наносит ощутимый ущерб биоценозу и растениям. Растительный мир является важнейшим компонентом биосферы, дающим энергию и питание другим организмам и биологическим процессам. Состояние растительности оказывает влияние на функционирование и устойчивость природных систем. Древесные растения являются индикатором состояния окружающей среды и восстановления загрязненных территорий от негативного воздействия экотоксикантов. В результате воздействия загрязнителей происходит потеря биомассы, которая может достигать 50-60% вблизи источника загрязнения. В этой связи изучение возможности использования декоративных древесных растений для снижения техногенного напряжения на экосистему, где в качестве уникального биоиндикатора может использоваться их листовая поверхность, имеет важное значение.

В ведущих научных центрах мира проводятся исследования по определению уровня загрязнения воздуха, предотвращению распространения вредных газов в окружающей среде, благоустройству территории. Поэтому уделяется особое внимание правильному выбору зон для посадки древесных растений по критерию минимальности экологической нагрузки от аэрозольного загрязнения, способствующий повышению эффективности решения проблемы охраны атмосферного воздуха от загрязнений, разработки научных основ подбора и рекомендации устойчивых декоративных видов деревьев для решения актуальных вопросов охраны атмосферного воздуха, поддержания экологически оптимального состояния среды обитания человека.

